



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil « 6 » июнь

№ПК-271

Худудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Худудларда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун саноат майдонларини ташкил қилиш ва уларда тадбиркорларнинг тўлиқ ва узлуксиз фаолият олиб боришини таъминлаш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш, инвесторлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

2022 йилда махсус иқтисодий, кичик саноат зоналари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирлари **йиғма параметрлари 1-иловага** мувофиқ;

2022 йилда **махсус иқтисодий зоналарни** ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирларининг манзилли дастури **2-иловага** мувофиқ;

2022 йилда **кичик саноат зоналарини** ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирларининг манзилли дастури **3-иловага** мувофиқ;

2022 йилда **ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини** ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирларининг манзилли дастури **4-иловага** мувофиқ;

2022 йилда **тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини** ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирларининг манзилли дастури **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

2022 йилда ҳудудларда **363,29 га** қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда **6-иловага мувофиқ 104 та** янги кичик саноат зоналарини ташкил қилиш;

2023 йил ва келгуси йилларда қўшимча **100 та** кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва саноат йўналишида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. 2022 йилда **янги ташкил қилинадиган кичик саноат зоналарини** ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирларининг манзилли дастури **7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, янги ташкил қилинадиган кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирларининг манзилли дастури бўйича:

бош режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳамда ҳудудлардаги тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари ҳисобидан амалга оширилади;

бош режаларни ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа ташкилоти белгиланган тартибда аниқланади;

объектларни молиялаштириш кичик саноат зоналарининг бош режалари ишлаб чиқилгандан сўнг белгиланган тартибда таъминотчи ташкилотлар томонидан берилган техник шартлар асосида амалга оширилади.

5. Белгилансинки:

манзилли дастурларга ажратилган маблағлар доирасида қўшимча лойиҳалар (объектлар)ни киритиш, шунингдек, мавжуд самарасиз лойиҳаларни чиқариб ташлаш бўйича ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан амалга оширилиши мумкин;

манзилли дастурларга киритилган объектлар (лойиҳалар)ни қуриш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 декабрдаги “Ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4929-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади;

манзилли дастурларга киритилган объектларни қуриш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачи вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5101-сон қарорида белгиланган ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2022 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги манзилли дастурларда кўзда тутилган ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда автомобиль йўлларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун талаб этиладиган маблағларни тендер (танлов) савдолари яқунларига кўра тасдиқланган манзилли рўйхатларга асосан;

Молия вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда манзилли дастурларда кўзда тутилган электр энергияси ва табиий газ тармоқларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун талаб этиладиган маблағларни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан бюджет ссудасини ажратиш орқали молиялаштиради.

Бунда, манзилли дастурларга киритилган объектлар (лойиҳалар)нинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун харажатларга зарур маблағлар манзилли дастурларда ушбу объект (лойиҳа) учун кўзда тутилган маблағлар доирасида ажратилади.

7. Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика штаби (Э.Т. Юлдашев) мазкур қарор доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга **масъул ва шахсий жавобгар** этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б. Воитов ҳамда иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринбосари А.М. Бобоев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини **мувофиқлаштириш ва назорат қилиш** Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов ва Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.


Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида **ҳар чорак якуни бўйича** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри




“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси буюртмачилигида
 Мўлжаллаб қилинган объектнинг таъминоти ва каналланиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси ҳисобидан Кичик саноат зонаси
 қичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимлари билан таъминлашнинг 2022 йил учун

(Ўзб. Рес. Президентининг 06.06.2022 йилдаги ПҚ-271-сон қарори)

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

№	Объектлар номи ва мазмуни	Лойiha қурилиш ва таъминоти	Объектнинг умумий қиймати (тарғов ва асосий қисми) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдаги ўзгариш объектининг қиймати (сўйга ҳисобдан бўлган) қоидалик жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдаги ўзгариш объектининг қиймати (сўйга ҳисобдан бўлган) қоидалик жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.23 й. ҳолатига йилдаги ўзгариш объектининг қиймати (сўйга ҳисобдан бўлган) қоидалик жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	2022 йилда фойдаланишга топширилган				01.01.23 й. ҳолатига йилдаги ўзгариш объектининг қиймати (сўйга ҳисобдан бўлган) қоидалик жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Экспортга хўросдан рақамини санаши	Телер (шўна)лар таъминоти бўйича рақамини санаши	Телер (шўна)лар таъминоти бўйича рақамини санаши	01.01.23 й. ҳолатига йилдаги ўзгариш объектининг қиймати (сўйга ҳисобдан бўлган) қоидалик жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.23 й. ҳолатига йилдаги ўзгариш объектининг қиймати (сўйга ҳисобдан бўлган) қоидалик жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.23 й. ҳолатига йилдаги ўзгариш объектининг қиймати (сўйга ҳисобдан бўлган) қоидалик жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.23 й. ҳолатига йилдаги ўзгариш объектининг қиймати (сўйга ҳисобдан бўлган) қоидалик жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	
							Жами капиталга қўйилган шўналар	Жами капиталга қўйилган шўналар	Жами капиталга қўйилган шўналар	Жами капиталга қўйилган шўналар									
1	Наманган вилояти бўйича жами:	3,0 км	600,00	600,00	600,00	600,00	28,00	28,00	28,00	18,00	19	20	20	20	20	20	20	20	
	Мебелчилик саноатида ихтисосланган кичик саноат зоналари	3 км																	
1	Янги Наманган тумани, Обҳорон масоиви, Соҳил МФЙ суғулуваги КСЭда ичкилик суғу таъминоти қуриши*	3 км	600,00	600,00	600,00	600,00	28,00	28,00	28,00	18,00									
	шу қурилган ЛКҲ:																		

*) Объектнинг қуловати ва қиймати лойиha-смета ҳужжатлари шўнаб чиқилгандаги сўнаб аниқланади ва мошавалатирири ошланади.



ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН ШАРТНОМА

Наманган шаҳри

№ 25 - ЛСХ

«19» Июль 2022 йил

«ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI» МЧЖ Низоми асосида иш юритувчи директор Ш.Э. Ахмаджонов, келгусида «БАЖАРУВЧИ» деб номланувчи бир томондан ҳамда иккинчи томондан «Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича Инжиниринг компанияси ДУК» Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи номидан Низом асосида иш курувчи директор М.Бобажанов келгусида «Буюртмачи» деб номланиб, қуйидагилар ҳақида шартнома туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. Шартнома «БУЮРТМАЧИ»нинг топшириғига биноан «БАЖАРУВЧИ» томонидан қуйидаги ишларни бажарилишини белгилайди: **Наманган вилояти Наманган шаҳар Янги Наманган тумани Ойқирон массиви Сохил МФЙда жойлашган КСЗ учун ичимлик суви тармогини тортиш учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш** тўғрисида.

2. Шартнома бўйича ишларнинг нархи.

2.1. Шартнома умумий баҳоси **17 900 000 (Ўн етти миллион тўққиз юз минг) сўм** ҚҚС сиз ташкил этиб, 2022 йил тасдиқланган манзилли дастурга асосан ажратилган маблағлар доирасида молиялаштириб берилади.

2.2. «БУЮРТМАЧИ» иш бошланишидан олдин бўнак (аванс) тариқасида ишнинг тўла нархидан 30% ни «БАЖАРУВЧИ»га ўтказиш мажбуриятини олади.

3. Бажарувчининг мажбуриятлари.

3.1. Барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаради.

3.2. Лойиха хужжатларини қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли тартибда бажарилишини таъминлайди.

3.3. Ишларни қабул қилиш даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилади.

4. Буюртмачининг мажбуриятлари.

4.1. «БУЮРТМАЧИ» «БАЖАРУВЧИ»га лойиха-смета хужжатларини тайёрлаганлиги учун келишилган нархда тўловни амалга оширади.

4.2. Шартномада белгиланган муддатда ва тартибда бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва унинг қийматини «БАЖАРУВЧИ»га тўлайди.

5. Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс-мажор).

5.1. Томонлар ўзларига боғлиқ бўлмаган бартараф этиб бўлмайдиган кучлар ёки фавқулотда ҳолатлар оқибатида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни бажара олмаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинадилар.

5.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтда мос равишда орқага сурилади. Форс-мажор ҳолати 3 ойдан ортиқ давом этадиган бўлса шартнома тарафларнинг бирининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Форс-мажор ҳолати юз берганлиги ваколатли давлат органларининг маълумотномаси билан тасдиқланади.

6. Томонларнинг мажбуриятлари.

6.1. «БАЖАРУВЧИ» ишни ўз вақтида асоссиз бажармаса «БУЮРТМАЧИ»га ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4% миқдорида жарима тўлайди, лекин шартнома қийматининг 50% дан ортиб кетмаслиги лозим.

6.2. Ушбу шартномани 2.1-бандида кўзда тутилганлар бажарилмаган тақдирда «БУЮРТМАЧИ» «БАЖАРУВЧИ»га ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган маблағнинг 0,4% миқдорида жарима тўлайди, лекин жарима миқдори умумий маблағнинг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Неустойка (жарима, пеня) тўлаш томонларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

7. Шартномани бекор қилиш.

7.1. «БАЖАРУВЧИ»:

- Шартнома кучга киргандан кейин иш бошланиши «БУЮРТМАЧИ»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «БАЖАРУВЧИ» томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- Ишларни тугатишни мазкур шартномада белгиланган муддати «БАЖАРУВЧИ»нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, «БАЖАРУВЧИ» томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- «БАЖАРУВЧИ» томонидан шартнома шартларида кўрсатилган ишларни сифати пасайишига олиб келадиган даражада бўлмаганда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

7.2. «БУЮРТМАЧИ»:

- Ишларнинг бажарилиши «БАЖАРУВЧИ»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «БУЮРТМАЧИ» томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- «БУЮРТМАЧИ» томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатлар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

7.3. Мазкур шартномани бекор қилинишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

7.4. Шартнома тарафларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги натижасида бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

7.5 Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

8. Низоларни ҳал этиш тартиби.

8.1. Ушбу шартномани бажарилиши юзасидан келиб чиқадиган низоларни томонлар ўзаро келишув асосида ҳал қилиш учун барча чораларни кўрадилар.

8.2. Келиб чиққан низолар бўйича томонлар бир битимга кела олмаганлари тақдирда, ушбу низони Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳамда шартномада назарда тутилган бошқа тартибда жавобгар бўлади.

9. Алоҳида шартлар.

9.1. Мазкур шартномага имзо чекилгандан кейин томонлар ўртасидаги мазкур шартномага дахлдор олдинги барча ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, музокаралар, агар улар мазкур шартномага зид келган тақдирда ўз кучини йўқотади.

9.2. «БАЖАРУВЧИ» бажарилган иш ҳужжатларини «БУЮРТМАЧИ»нинг ёзма рухсатисиз биринчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

9.3. Мазкур шартномага барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий деб ҳисобланади.

9.4. «БУЮРТМАЧИ» билан «БАЖАРУВЧИ» ўртасида мазкур шартномадан келиб чиқадиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.5. Мазкур шартнома 3 нусхада тузилиб Ҳазначилик бўлими рўйхатидан ўтганидан сўнг бир хил юридик кучга эга бўлганди.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати.

2022 йил 19.07 дан 2022 йил 31 декабргача

11. Томонларнинг юридик манзиллари ва тулов реквизитлари.

«БАЖАРУВЧИ»



«БУЮРТМАЧИ»

«ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI» МЧЖ

Манзил: Наманган шаҳар Б.Машраб кўчаси №12-уй

Банк: ЧАКБ «INFINBANK» Наманган ф

ИНН: 306802215 МФО: 01113

Х/р. 2020 8000 5051 3482 3001

Телефон/Факс +99894-177-06-37

«Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича Инжиниринг компанияси ДУК» Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси

Манзил: Наманган шаҳар Кавайт

Телефон, Факс: 934058408

Л/С: 3011218601440706320110137

СТИР: 305982714 ОКОНХ 91516

Раҳбар: Ш.Э. Ахмаджонов

М.Ў.



Директор: М.Бобажанов

М.Ў.



2022 йил 19.04

даги № 25-ЛСХ-сонли шартномага илова
Шартнома, кушимча келишув, буюрма

ЛОЙИХА-КИДИРУВ ИШЛАРИ УЧУН СМЕТА № 1

Лойиха-кидирув ишларни текшириш, лойихалаш боскичлари, бино, иншоат, корхона номланиши:

Наманган вилояти Наманган шаҳар Янги Наманган тумани Ойкирон массиви Сохил МФЙда жойлашган КСЗ учун ичимлик суви тармогини тортиш учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш

Лойиха ташкилоти: «ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI» МЧЖ

Буюртачи ташкилоти: «Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирилиги Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича Инжиниринг компанияси ДУК» Наманган вилоят худудий бошкармаси

№ т/р	Корхона, бино ёки иш тури тавсифи	Булим, жадвал ва параграфга асосланиши	Кийматининг ҳисоби (сўм)	Киймати (сўм)
1.	Наманган вилояти Наманган шаҳар Янги Наманган тумани Ойкирон массиви Сохил МФЙда жойлашган КСЗ учун ичимлик суви тармогини тортиш учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш	Лойиха-тадқиқот ишларининг кийматини аниқлаш тартиби тугрисидаги Низом 1-илова, пункт 44,1 4-илова пункт 8	СМР: 600 000 000 / 1.15 x 3,44%	17 900 000
	Жами:			17 900 000

Смета буйича жами (Ўн етти миллион тўққиз юз минг) сўм ҚҚС сиз ташкил этади.

Илова: 1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш Кумитасининг 2008 йил 10 ноябрдаги №22-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга асосланиб ҳисоблаш ишлари бажарилди.

«ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI» МЧЖ
директори:



Ш.Э. Ахмаджонов

МУХОКАМА АХБОРОТИ

19.07.2022 йил

Наманган шаҳри.

Наманган вилояти ҳудудидаги Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича Инжиниринг компанияси УК Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан 2022 йил "7" июлдаги 118776-сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуни 56 ва 58 - моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Сохил МФЙ Ойқирон мебелчилик иқтисодий зонасига ичимлик суви тармоқларини тортиш учун лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши юзасидан товар (иш, хизмат) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуни 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб, танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича "Замонавий лойиха хизмати" МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштироки бўйича энг мақбули деб топилди.

Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди, шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат ўтгандан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмаслиги тушунтирилди.



Давлат буюртмачи ташкилоти раҳбари

М.Бобажанов

Давлат буюртмачи ташкилоти
бош ҳисобчиси

О.Камолиддинов



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Наманган вилояти

Namangan viloyati 160100, Namangan shahri, A.Temur ko'chasi, 105-uy, Tel. (69)-233-02-50, E-mail:
namexpert@umail.uz www.mc.uz www.mc.uz

Yig'ma ekspert xulosasi № 52968

Obyekt nomi «Namangan shahar Yangi Namangan tumani Oykiron massivi "Sohil" MFYda quriladigan KSZ ichimlik suv tizimlarini qurish»

Buyurtmachi - "Suv ta'minoti va oqava suv obyektlari qurilishi bo'yicha injiniring kompaniyasi" UK Namangan viloyati hududiy boshqarmasi

Bosh loyihachi - "ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI" MCHJ

Litsenziya AL-000316 31.10.2019 yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi tomonidan berilgan

Moliyalashtirish manbai - O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi "Suv ta'minoti va oqava suv tizimini rivojlantirish jamg'armasi"

Bosh pudratchi - Tanlov asosida

Qurilish turi Yangi qurilish

Murojaat raqami: № 51335

1. Loyihalash uchun asos

- 1.1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 6.06.2022 yildagi PQ-271-sonli qarori.
- 1.2. Namangan shahar Yangi Namangan tumani hokimining 6.07.2022 yildagi 331-6-222-Q/22-sonli qarori.
- 1.3. O'zbekiston Respublikasi "O'zsuvta'minot" AJ tomonidan tasdiqlangan, Namangan viloyat Qurilish bosh boshqarmasi hamda buyurtmachi bilan kelishilgan loyiha topshirig'i.
- 1.4. Namangan viloyat Qurilish bosh boshqarmasi tomonidan berilgan 15.07.2022 yildagi 1714-1714401-46405-sonli arxitektura rejalashtirish topshirig'i.
- 1.5. Muhandislik-kommunikatsiya tarmoqlariga ulanishning texnik shartlari va muhandislik tarmoqlarini nazorat qiluvchi manfaatdor tashkilotlar tomonidan tasdiqlangan materiallar.
- 1.6. "ARHIMAX" MCHJ tomonidan 2022 yilda bajarilgan qurilish maydonining muhandislik-geologik sharoitlari to'g'risida xulosa.
- 1.7. Loyiha va tadqiqot ishlari uchun tuzilgan 18.07.2022 yildagi 25/LSX-sonli shartnoma.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. "Ishchi loyiha"ni ishlab chiqish bosqichidagi loyiha hujjatlari:

- Umumiy tushuntirish yozuvi.

- Tashqi suv tarmog'i. Umumiy ma'lumotlar, suv tarmog'i trassa rejasi, bo'ylama kesim, tugunlar va quduqlar, jixoz va uskunalarga bo'lgan ehtiyoj jadvali.

- Smeta hujjatlari.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

3.1. Qurilish uchastkasi tavsifi.

Loyihalanayotgan suv tarmog'i Namangan shahar Yangi Namangan tumani Oykiron massivida joylashgan bo'lib, tanlangan joy IV-iqlimiy sharoitga to'g'ri keladi. Zilzilaga bardoshliligi bo'yicha - 8 ball. Tashqi havo harorati - 14°s. Me'yoriy qor yuklamasi - 0,50 kPa, shamol yuklamasi - 0,38 kPa. Poydevor ostining 1-qatlamida suglinok va supes (qatlam qalinligi 0,7 metrgacha), 2-qatlamida galechnik (qatlam qalinligi 8,8 metrgacha) asos bo'lib xizmat qiladi. Yerning seysmik xolati bo'yicha toifasi - II. Cho'kuvchanligi bo'yicha 1-guruh tuproq turiga to'g'ri keladi. Yer osti suvlari 10 metr chuqurlikkacha aniqlanmagan. Yerni tuzilish reliefi - tekis.

3.2. Loyihaning asosiy yechimlari.

Loyihalanayotgan suv tarmog'i polietilen quvurlardan iborat bo'lib, umumiy uzunligi - 3175 metr, shu jumladan: Ø160 mm - 420 metr, Ø110 mm - 702 metr, Ø75 mm - 972 metr va Ø63 mm - 1081 metr. Tarmoqda yig'ma temir-beton quduqlar ko'zda tutilgan. Suv tarmog'ida quvurlarni avtomobil yo'lidan kesib o'tishi uchun po'lat quvurdan g'iloflar ko'zda tutilgan. Loyihalanayotgan suv tarmog'i Namangan shahar Yangi Namangan tumani Oykiron massivi "Sohil" MFYda KSZni ichimlik suvi bilan ta'minlaydi

3.3. Qurilish davomiyligi.

Qurilish davomiyligi - 1 oy.

Xulosangiz tayyor bo'ldi va 100 % to'lovni amalga oshirib xulosangizni yuklab oling

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 118776 на приобретение Разработка смета

Способ проведения электронный

Дата 14.07.2022

Время рассмотрения 13.07.2022 17:43

Конкурсная комиссия Узбекистон Республикаси Уй жой коммунал хизмат курсатиш вазирлиги Сув таъминоти ва окова сув объектларини курилиши буйича ИК УК Наманган вилоят худудий бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	Bobajanov Muxtor Maxirjanovich	рахбар	УК
Секретарь комиссии	Гафурова Мадина Камолитдиновна	Секретар	УК
Член комиссии	Sharipov Shuxrat Sabirovich	бўлим бош мутахассиси	УК
Член комиссии	Adashov Ulug`bek Tursunxuja o`g`li	ўринбосар	УК
Член комиссии	KAMOLIDDINOV OTABEK AVAZBEKOVICH	хисобчи	УК
Член комиссии	Ismailov Ikramjon Rasuljonovich	Маркетинг бўлими бош мутахассиси	УК

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.07.2022 года № лота 118776.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Янги Наманган тумани Сохил МФЙ Ойқирон мебелчилик ксз ичимлик сув тармоғи тортишга лойи смета хужжатлари ишлаб чиқиш учун танлов.
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	18 000 000.00
Стартовая сумма	18 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ойқирон МФЙ худудига ичимлик св тармоқларини ишлатиш учун лойиха смета хужжат тайёрлаш

Тип: Текстовое значение

Описание: сифатли ва ўз вақтида хизмат кўрсатиш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI	100	мавжуд	73	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BETAKROR QURILISH DIZAYN MЧЖ	100	мавжуд	65	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
BETAKROR QURILISH DIZAYN MЧЖ	18 000 000.00	18 000 000.00 UZS	18 000 000.00	00.00	18 000 000.00	05.07.2022 20:16:00	99.44
ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI	18 000 000.00	17 900 000.00 UZS	17 900 000.00	00.00	17 900 000.00	05.07.2022 19:16:08	100.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
BETAKROR QURILISH DIZAYN MЧЖ	Прошел	99.44	99.44
ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI	Прошел	100	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 118776 от 14.07.2022 года на приобретение Разработка смета определила победителем:

ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI
306802215

и резервный исполнитель: BETAKROR QURILISH DIZAYN MЧЖ (303474784)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	Bobajanov Muxtor Maxirjanovich	Согласен	
Член комиссии	KAMOLIDDINOV OTABEK AVAZBEKOVICH	Согласен	
Член комиссии	Sharipov Shuxrat Sabirovich	Согласен	
Член комиссии	Adashov Ulug`bek Tursunxuja o`g`li	Согласен	
Член комиссии	Ismailov Ikramjon Rasuljonovich	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

«КЕЛИШИЛДИ»

Наманган вилояти Қурилиш
бош бошқармаси бошлиғи


Д.Ниязов

« _____ » _____ 2022 г.



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

“Ўзсувтаъминот” АЖ раиси


Е. Саифназаров

« _____ » _____ 2022 г.



*Янги Наманган тумани Ойқирон массиви “Сохил” МФЙ
да қуриладиган КСЗ ичимлик сув тизимларини қуриш
объектига*

***ИШЧИ ЛОЙИХАНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ УЧУН ТОПШИРИҚ***

	Асосий маълумотлар ва талаблар рўхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	2	3
1.	Буюртмачи	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси
2.	Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июндаги ПҚ-271 сонли қарори
3.	Қурилиш тури	Янги қурилиш
4.	Молиялаштириш манбаси	Ўзб.Рес. Молия вазирлиги ҳузуридаги “Сув таъминоти ва оқова сув тизимини ривожлантириш жамғармаси”
5.	Буюртмачи реквизити	Наманган шаҳар, Навоий кўчаси 24 уй, СТИР: 305 982 714 ОКЕД: 70220, Ўзбекистон Республикаси Наманган вилоят бўйича Ғазначилик бошқармаси ғаз/хр: 23402000300100001010 МБ ХККМ Ташкент ш. МФО: 00014 СТИР: 201 122 919
6.	Лойиҳа босқичи	Ишчи лойиҳа
7.	Бош лойиҳалаш корхонасининг номи	Танлов савдолари орқали аниқланади
8.	Лойиҳа қуввати	Лойиҳани ишлаб чиқишда аниқланади
9.	Лойиҳаланадиган иншоотнинг асосий кўрсаткичлари ва рўхати	1. Ичимлик сув Ичимлик сув тармоқлари қурилиши: - 3,0 км ичимлик сув тармоғини қуриш (тармоқ узунлиги ва диаметри лойиҳани ишлаб чиқишда аниқланади)
10.	Технологик жараёнлар ва ускуналарга қўйиладиган асосий талаблар	Ишчи лойиҳани ишлаб чиқишда қуйидагилар ҳисобга олинсин: - Уланиш нуқтаси ва тугалланиш нуқтаси ҳудудий “Наманган сув таъминоти” МЧЖ томонидан берилган техник шартга асосан: 1.Ичимлик сув Ичимлик сув тармоқлар қурилиши: -полиэтилен ва полипропилен қувурларни қўллаш (заводда ишлаб чиқарилган); -ташқи изоляцияланган метал қувурларни қўллаш; -назорат қудуқлари ишлаб чиқарувчи томонидан қувур ўтказиш туйнукланган (ответияланган) темир бетон конструкцияларини қўллаш; -назорат қудуғи қопқоғи-ГОСТ-3634-99 оғир юк кўтарма маркали, “Ўзсувтаъминот” логотипи ёзуви билан лойиҳалаш; -қўлланилиши лозим бўлган жойларда хаво чиқариш (вантуз) ускунаси ўрнатиш (антивандалъный); -лойиҳаларда тармоқлар ва иншоотларни гидравлик ҳисобини бажариш; -сув манбааларидан чиқиш қисмига замонавий сув ҳисоблағичлар ўрнатиш;
11.	Иншоот иш режими	Доимий
12.	Ташқи транспорт алоқалари ва таъминот тизими	Мавжуд ташқи транспорт алоқалари ва таъминот тизимларидан фойдаланилсин
13.	Атроф-муҳит муҳофазасига қўйиладиган талаблар	"Атроф-муҳит таъсирига оид баёноти" лойиҳасини бажариш (ЗВОС)
14.	Рекультивация ва ободонлаштиришга бўлган талаб	Лойиҳада аниқланади
15.	Режалаштирилган қурилиш муддати	2022-йил

16.	Мажмуаларни ишга тушириш зарурияти ва кетма-кетлиги	Талаб этилмайди
17.	Мухандислик тадқиқотлар ишлаб чиқариш учун талаблар	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган қоида ва йуриқномаларга асосан
18.	Махсус қурилиш шароитлари	Қурилатган объектлардаги тупроқларнинг ҳисобланган сейсмиклиги ва хусусиятлари муҳандислик-геологик хулосага мувофиқ - лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда белгиланган тартибда ШНҚ 4.02.00-04 га мувофиқ иш ҳаққи ва машиналар ишлаши меъёрларига нисбатан;
19.	Лойиҳалаш учун махсус шартлар	- Ишчи лойиҳа амалдаги қонун ва қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқилсин; - Қурилишнинг бошланғич нархлари қонунчиликда белгиланган тартибда бугунги кундаги нархлар ўрганиб чиқилган ҳолда ҳисоблансин - Ишчи лойиҳа барча хулосалар билан бирга тулиқлигича буюртмачига босма шаклда рангли 3 нусхада ва электрон шаклда тақдим этилсин.
20.	Ҳисоб-китоблар варианти	Талаб этилмайди
21	Фуқаро мудофаасининг муҳандислик-техник чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар ва фавқулдда огоҳлантиришлар	Наманган вилояти ФВБ талабларига биноан

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК директори

Х.Якубов

“Наманган сув таъминот” МЧЖ директори

И.Ширанов

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

М.Бобажанов